

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

КАСИМОВ ОЙБЕК САДИКЖАНОВИЧ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЗАМОНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙ МУҲИТИНИ
ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

17.00.05 - Дизайн назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Касимов Ойбек Садикжанович

Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитини ландшафт дизайнини шакллантириш..... 3

Касимов Ойбек Садикжанович

Формирование ландшафтного дизайна в современной жилой среде города Ташкента..... 19

Kasimov Oybek Sadikjanovich

Formation of landscape design in the modern residential environment of Tashkent..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

КАСИМОВ ОЙБЕК САДИКЖАНОВИЧ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЗАМОНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙ МУҲИТИНИ
ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

17.00.05 - Дизайн назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2020.4.PhD/San28 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Бадий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Институт кенгашининг веб саҳифасида (www.mrdi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Арифджан Муслимович
архитектура фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нозилов Додо Авазович
архитектура фанлари доктори, профессор

Бинафша Нодир
санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбекистон тарихи Давлат музейи

Диссертация ҳимояси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020.San.119.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй). Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй). Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ кун тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.М.Кадирова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю.Сангиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, санъатшунослик фанлари фалсафа доктори PhD

А.А.Зияев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча илғор мамлакатларида шаҳарсозлик амалиёти атроф-муҳитини ташкил этишни табиат билан узвий уйғунлаштириш, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш ва экологик самарадорликни оширувчи ландшафт дизайнини ривожлантириш долзарб ҳисобланмоқда. Бу борада илғор мамлакатларда инновацион технологиялар ёрдамида замонавий ва миллий анъаналарга таянган ҳолда шаҳар ландшафт дизайнининг янги моделларини яратиш жадал суратлар билан ривожланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирда асрлар давомида шаклланган мавжуд ландшафт дизайни асосида замонавий ландшафт дизайнларини яратиш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон санъатшунослигида ландшафт дизайнининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, анъаналарни сақлаш, қайта қуриш ва модернизациялаш, ҳар бир ҳудуднинг табиий муҳитидан келиб чиқиб такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тарихий ва замонавий ландшафт дизайни услубларини бир-бири билан самарали уйғунлаштириш муаммолари, шаҳарларда ландшафт дизайни ривожланишининг истиқболли йўналишлари ва тамойилларининг илмий-назарий асосларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида шаҳарларни замонавий тамойиллар асосида лойиҳалаштириш, қайта таъмирлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. “Яқуний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиб беришдир”¹. Бу борада шаҳарсозликда экологик мувозанатни таъминловчи ландшафт дизайни архитектурасини янада ривожлантириш, асрлар давомида тўпланган бой меросдан кенг фойдаланиб, замонавий усулларни тадбиқ этиш, шаҳар меъморчилиги, ландшафт архитектураси ва дизайнини ўзаро уйғунлаштириш орқали ҳудудларни самарали ландшафт ташкиллаштириш йўллари кўрсатиб бериш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 11 январь. 2017 йил. – 3 с.

ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 8-сон Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон танасига иқлим ва микроиқлим шароитлари меҳнат ҳамда ҳаётнинг санитария-гигиена шароитларига бевосита таъсири, совет даври шаҳарсозлигида ландшафтнинг ролини аниқлаш, замонавий ландшафт дизайни тамойилларини белгилаш муаммолари Л.Лунц, Ю.Косенкова, Л.Машинский, В.Нефёдов² каби олимлар ишларида ўз аксини топган. Ғарб мамлакатлари болалар майдончалари ландшафт дизайнининг бадиий хусусиятлари, XX асрнинг турли ўн йилликларидаги муаммолари К. Herdeg, J. Sanders³ ва бошқа олимларнинг илмий изланишлари ландшафт дизайни маданият феномени сифатида ўрганишга бағишланган.

Ўрта Осиёнинг тарихий боғ санъати мероси, ландшафт дизайнининг назарий муаммолари М.Булатов, В.Бартольд, В.Вяткин, М.Массон, И.Сухарев, А.Якубовский, Г.Пугаченкова, А.Беленицкий, А.Уралов, Д.Нозилов, Т.Ширинов, П.Зоҳидов, Т.Қодирова, Ў.Алимов, О.Салимов, М.Аҳмедов, Л.Адилова, М.Тахтаходжаева, Ш.Асқаров, М.Юсупова, К.Рахимов, В.Дормидонтова, Т.Маматмусаев, Н.Дробченко⁴, Тошкент шаҳри замонавий

²Лунц Л.Б. Городское зеленое строительство: Учебник для вузов — Издание 2-е. — Москва.: Стройиздат. 1974. — 275 с. илл., Косенкова Ю.Л. Советское градостроительство. 1917–1941. - М.: Прогресс-Традиция. 2018. — 149 с., Машинский Л.О. Декоративное садоводство. Питомники. - Москва – Ленинград.: Наркомхозиздат. 1945. - 124 с., Нефёдов В.А. Ландшафтный дизайн и устойчивость среды. - Санкт-Петербург. 2002. - 295 с.

³Herdeg K. Formal structure in Islamic architecture of Iran and Turkistan. – New–York: “Rizzoli / The Aga Khan trust for culture”, 1990. – 305 с., Sanders J. H. Ibn Arabsah Ahmed. Temerlan or Timur the Great Amir. - London, 1936. – 219 с., Myers M. Andrea Cochran: Landscapes. New York : Princeton Architectural Press, 2009. - 192 p. Nancy Stalker. Japan: History and Culture from Classical to Cool. - М.: Альпина нон-фикшн, 2020.

⁴Булатов М.С. Сады и парки Тимура и Тимуридов // Маскан журналы. №2. 1993., Бартольд, В.В. Иран : Исторический обзор . Акад. В.В. Бартольд. - Ташкент: Востказгосиздата, 1926. - 123 с., Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета. Справочная книжка VII. - Самарканд. 1902. - 23 с., Массон М.Е. Труды среднеазиатского Государственного университета «Археология Средней Азии». Изд: САГУ. Новая серия выпуска XIX. Гуманитарные науки кн. 6. – Т. 1953. – 172 с., Сухарев И.А. Дворец-сад Тимура Давлет-Абад. Отд. оттиск из трудов УзГУ. Новая серия. 11. Выпуск 2 - Самарканд, 1940. - 1-6 с., Якубовский А.Ю. Мастера Ирана в Средней Азии при Тимуре. Иранское искусство и археология. - М. 1939., Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т. 1987. – 185-214 с., Беленицкий А.М. Историческая топография Герата XV в. 1946. – 194 с., Уралов А.С. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар // Архитектура Қурилиш Дизайн журналы. № 1-2. - Тошкент.: ТАҚИ. 2010. - 23-26 с., Нозилов Д.А. Чорбоғ - Тошкент.: ДТУ. 1997. – 102 с., Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.. Амир Темурнинг боғ-саройлари. - Самарканд,

турар-жой мухитининг ландшафт дизайнини шакллантириш, унинг бадий хусусиятлари, ривожланиш тамойиллари, ўзбек халқининг шаҳарсозлиги тарихи, унинг маҳаллий хусусиятларини тадқиқ этиш Р.Такташ, Г.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, Л.Ремпель, А.Хакимов, А.Зияев, Т.Махмудов, Н.Нурматов, Э.Умаров, С.Булатов, К.Акилова⁵ каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

М.Ахмедов, Ш.Ачилов, Е.Добронравова, Ш.Сулаймонова, А.Ветлугина⁶ ва бошқаларнинг лойиҳа ва илмий изланишлари шаҳар ландшафт дизайни, турар-жой қурилиши, архитектураси ва шаҳарсозликни ўз даврига мос равишда режалаштиришга бағишланган.

Тадқиқотларнинг аксарияти сиёсий тузум ва давр талаби нуқтаи назаридан олиб борилиб, замонавий шаҳар инфраструктураси ва ландшафт дизайни тузилиши, яратилиш услублари, турар-жой мавзеларининг ички ва ташқи ландшафт муҳити масалалари комплекс тарзда тадқиқот объектига айланмаган. Тадқиқотда замонавий шаҳар ландшафт дизайни тарихидан ривожланиш босқичлари, уларни замонавий талаблар асосида қайта шакллантириш, иншоотларнинг архитектуравий ечимлари, маҳаллий ландшафтан экологик мақсадларда фойдаланиш муаммолари, замонавий шаҳар ландшафт дизайнини модернизациялаш масалалари тадқиқот этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №PZ-2017-0930306 “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат

1996., Захидов П.Ш. Великий кешк Дидкушо. Часть 1 и 2. - Ташкент. 2007., Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даврида боғсозлик санъати. // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши №6, 2009.

Алимов Ў. Ўрта арсларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Тошкент. 1984., Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Монография. Изд.: Фан. - Ташкент. 2009. - 288 с. Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш ва ундан фойдаланиш (лойиҳалашнинг назарий асослари ва методологияси). Монография. - Тошкент. – 320 с., Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. - Тошкент. 1996. Адилова Л.А., Латипов Д.В., Турсунов Х.К., Сатарова К.Д. Методика формирования ландшафтно - рекреационных систем. - Ташкент. 2007. - 9 с., Тўхтаходжаева М.С. Общее в архитектурно-планировочных приемах садово-паркового искусства Средней Азии XIV-XVвв. и Индии XVI-XVII вв. // Градостроительства и архитектура. - Ташкент. 1989., Аскарлов Ш.Д. Регион-пространство-город. – М. Стройиздат, 1988. - 123 с., Юсупова М.А. Традиции архитектурного сада “Чорбағ” в зодчестве Бухары XVI-XVIII вв. // Средняя Азия: археология, история и культура. – М. 2001., Рахимов К.Ж., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2011., Дормидонтова В.В. История садово-парковых стилей. Учебное пособие. – М. 2004., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври архитектураси. Архитектура бўйича фан. ном. дисс. автореферати. - Тошкент. 2011., Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. 18.00.01 – Архитектура бўйича фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. - Тошкент. 2019. - 77 с., Дробченко Н.В. История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане. Автореферат канд. дисс. – Ташкент. 2004.

⁵Ремпель Л.И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент.: Издательство лит. и искусство. 1987. – 192 с. илл., Хакимов А.А. История Узбекистана: история и современность. Издательство журнала “Санъат”. – Тошкент.: 2010. – 504 с., Зияев А.А. Ташкент I. Древность и средневековье. Издательство “Санъат”. - Тошкент. 2009. - 282 с., Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент.: Мехнат. 1991. - 384 с., Акилова К.Б. Поиски смысла. Издательство журнала “Санъат” – Тошкент. 2016. – 376 с.

⁶Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги. – Тошкент. 1996., Ачилов Ш.Д. Архитектурно-планировочная организация сельских посёлков Узбекистана – Ташкент.: «Ўқитувчи». 1992., Добронравова Е., Сулаймонова М. Ландшафт дизайни. Ўқув қўлланма. – Тошкент. 2012. – 130 с., Ветлугина А.В. Функционально-планировочная организация малых городов - структурных элементов территориальных градостроительных систем Узбекистана. – Автореферат дисс. канд. арх. – Ташкент. 2011. – 52 с.

имкониятларини татбиқ этиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитини ландшафт дизайнининг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ҳамда ландшафт муҳитини шакллантиришнинг бадиий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ландшафт дизайнининг эстетик талаблари асосида турар- жой муҳитини шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш;
ландшафт дизайнининг Ўзбекистон замонавий бадиий меъморлигини экстерьерга таъсири ўрнини аниқлаш;

кўп қаватли турар-жой муҳити ландшафт дизайнининг замонавий эстетик талаблар асосидаги перспектив инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

Тошкент шаҳри замонавий ландшафт дизайнининг ижтимоий – маданий ва функционал хусусиятларини очиб бериш;

Тошкент шаҳрининг иқлим шароити, дендрологиясини ландшафт дизайнига таъсирини очиб бериш;

ландшафт дизайнерлари учун илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри замонавий ландшафт дизайни объектлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини Тошкент шаҳри замонавий ландшафт дизайни объектларини лойиҳалаш, шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор йўналишлари ва тамойиллари, ривожланиш динамикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тарихий солиштирма ҳамда тарихий таҳлилий усул, фанлараро ёндашув, тавсифий, психологик, қиёсий таҳлил қилиш, типологик ҳамда эмпирик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

шарқ мамлакатлари ландшафт дизайнида эътиқодий қарашлар таъсирида “табиат инсондан устун” деган ғоя асосида табиий шакллар (сув, ер, тош ва бошқалар) элементларига эътибор қаратилганлиги, ғарб боғ-паркларида эса “инсон табиатдан устун” деган фалсафий ёндашув асосида геометрик шаклдаги ландшафтлардан кўпроқ фойдаланилганлиги далилланган;

темурийлар даври боғ-парк санъати ва архитектурасида ислом маданиятининг “жаннат боғлари” (Paradise) композицион ечими (декоратив ва мевали дарахтлар уйғунлиги) устунлик қилганлиги, европа ландшафт дизайни моделининг маҳаллий маданият билан уйғунлашуви натижасида манзарали дарахтлардан кенг фойдаланиш урфга айланганлиги асосланган;

ислом даври меъморчилигида ландшафт дизайни ўзининг режавий композицион ечимлари, шакли, ўлчами, хом ашёси билан бир-биридан ажралиб турса-да, улар сув устида иншоот қуриш ғояси, чорбоғнинг тўғри ўқ асосида ариқлар ва хиёбонлар ёрдамида тўрт қисмга бўлиниши, фаслларга мос гуллар, дарахтлар, буталар экилиши ва доимий яшил ҳудуд билан таъминланиши каби ягона ғоя асосида шаклланилганлиги исботланган;

Тошкентдаги Бўзсув ва Чаули ариқлари оралиғи умумий ташқи ҳалқасимон, маъмурий-маданий-маърифий-савдо биноларини бирлашти-рувчи, радиал-ҳалқасимон, квадрат ва якка тартибли уйларга мос ландшафт дизайнлари каби “боғ-шаҳар” ҳудудий режавий ечимларида шаклланганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё меъморий боғларининг ўзига хос жиҳатлари, Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитининг ландшафт дизайнини шакллантиришда мавжуд бўлган илғор ижодий тажриба ва тамойилларни замонавий бадиий жараёнга кенг тадбиқ этиш ҳамда ландшафт дизайни санъатига оид илмий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитининг ландшафт дизайни санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттириш тайёрлаш, ҳужжатли фильмлар яратиш ва бошқа ташвиқот ишларини олиб боришда, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда манба сифатида қўлланилган;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ландшафт дизайни тарихини ўрганишда ёрдамчи адабиёт сифатида фойдаланилган ва “Муҳит дизайни”, “Меъморчилик асослари” фанларига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий санъатшунослик методлари ҳамда назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, Тошкент ҳудудидаги турар-жой, атроф муҳит дизайни наъмуналари, архив материаллари ва каталог каби бирламчи манбаларга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, ҳамда олинган натижаларнинг илмийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий хулосаларни асослашда фанлараро, мажмуавий, тарихий–маданиятшунослик, санъатшунослик ва қиёсий типологик ёндашувларни қўллаган ҳолда Ўзбекистонда ландшафт дизайни санъатининг тадрижий ривожланиши босқичларини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумот ва хулосалардан Ўзбекистонда замонавий турар-жой муҳитининг ландшафт дизайнини ўрганишда самарали фойдаланиш имконини бериши, шунингдек, шаҳар ҳудудида ландшафт дизайнини лойиҳавий ташкил этиш, меъморчилик, санъатшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалар, лойиҳалар ва илмий конференциялар ташкил этишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитининг ландшафт дизайнини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шарқ мамлакатлари ландшафт дизайнида эътиқодий қарашлар таъсирида “табиат инсондан устун” деган ғоя асосида табиий шакллар (сув, ер, тош ва бошқалар) элементларига эътибор қаратилганлиги, ғарб боғ-паркларида эса

“инсон табиатдан устун” деган фалсафий ёндашув асосида геометрик шаклдаги ландшафтлардан кўпроқ фойдаланилганлиги каби маълумотлардан Ислом цивилизацияси маркази музей экспозициясини ташкил этиш ва тарихий биноларни моделлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги 261120-сон далолатномаси). Натижада, Марказ музейи экспозициясини такомиллаштиришга эришилган, мазмун-моҳиятини кенг очиб берилган, ҳамда шарқ ва ғарб боғлари фалсафаси таққосий таҳлили мисоллар ёрдамида намоён этилган;

темурийлар даври боғ-парк санъати ва архитектурасида ислом маданиятининг “жаннат боғлари” (Paradise) композицион ечими (декоратив ва мевали дарахтлар уйғунлиги) устунлик қилганлиги, европа ландшафт дизайни моделининг маҳаллий маданият билан уйғунлашуви натижасида манзарали дарахтлардан кенг фойдаланиш урфга айланганлиги асосланганлиги каби маълумотлардан “Шарқ тароналари” X Халқаро мусиқа фестивали ўтказиладиган ҳудудларни бадий безашда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2018 йил 29 январдаги 03-09/447-2110-сон далолатномаси). Натижада, фестивал ҳудуди ландшафт дизайни экспозициясини ташкил этишда ишлаб чиқилган концепция лойиҳаси фактологик материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдирилиб, мазмун моҳияти илмий бойитилишига хизмат қилган;

ислом даври меъморчилигида ландшафт дизайни ўзининг режавий композицион ечимлари, шакли, ўлчами, хом ашёси билан бир-бирдан ажралиб турса-да, улар сув устида иншоот қуриш ғояси, чорбоғнинг тўғри ўқ асосида ариқлар ва ҳиёбонлар ёрдамида тўрт қисмга бўлиниши, фаслларга мос гуллар, дарахтлар, буталар экилиши ва доимий яшил ҳудуд билан таъминланиши каби ягона ғоя асосида шаклланилганлиги бўйича олинган натижалардан “Инсон-муҳит-санъат-2019” II Тошкент Халқаро амалий санъат Биеннаlesi доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган “Илҳомимсан, бекиёс Ватаним” номли кўргазмаси концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 89-06-196-сон далолатномаси). Натижада, кўргазма концепциясини яратиш, экспозиция ташкил этиш ва амалиётга тадбиқ этишда диссертациядаги амалий таклиф ва хулосалар замонавий экспозицияни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та республика ва 4 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этиб, альбом илова қилинади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, муаммога оид манбалар таҳлил қилинган, тадқиқот методлари асосланган, мавзунинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Турар-жойлар муҳити ландшафт дизайнининг шаклланиш тарихи”** деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда шарқ ва ғарб мамлакатлари ландшафт дизайнининг шаклланиши ва ривожини дунё тарихидан ўрин олган йирик давлатлар мисолида кўриб чиқилиб, кенг қўламда таҳлил қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи бўлими **“Шарқ мамлакатларида ландшафт дизайнининг шаклланиши”** деб номланган. Ибтидоий даврда инсонлар табиатдаги бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда оддий турар-жойлар қурган, кейинчалик тафаккурнинг ривожланиши натижасида маҳобатли архитектура наъмуналари ва боғларини яратган. Қурраи заминнинг турли ҳудудларида жойлашган боғлар иқлим шароити, сиёсий-ижтимоий эволюция таъсирида шаклланган.

Эллинизм даври боғ-парк санъатининг ривожини, Гомер ва архаик даврларда илоҳий дарахтзор – героон – кичик меъморий шакллар билан безатилган ва режалаштирилган аниқ тизимли парк типи тузилганлиги, боғ-парк санъати фойда кўриш характериغا эга бўлиш билан бир қаторда, диний маросимларда ҳам фойдаланилганлиги илмий асосланган. Спорт, сузиш билан шуғулланиш учун бинолар, ховузлар, меҳроблар, ибодатхоналар дарахтзорлар билан ўралиб, пальмалар, зайтунлар, писталар ва бошқа дарахтлар ўстирилган. Атрофда фавворалар, гулдонлар, ҳайкалчалар бўлган. Гулзорларга (клумба), йил фаслларида мослаб гуллар экилган – анемон (айиқтовон гул), астра (қўқонгул), сунбулгул, заъфаргул, шаббўй, шер оғзи, наргис, чиннигул, табаргул, лола, бинафша, лилия гуллари ва бошқалар. Айниқса атиргул қадрланган. Кўп жойларда розарийлар ташкил этилган.

Ўрта Осиё боғларида эса **“жаннат боғлари” (Paradise)** дея таъриф берилиб, композицион ечим симметрик кўринишда бўлган ва ҳаёлий жаннат кўриниши акс эттирилган. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ландшафт дизайнининг шаклланишидаги фалсафий қарашлари бир-бирига зид бўлсада, Ўрта Осиё боғлари икки қитъани маълум бир маънода боғлаганлиги аниқланди.

Шарқ мамлакатлари ландшафт дизайнининг шаклланишида ўзига хос хусусиятлар: ҳудуднинг табиий географик жойлашуви энг муҳим омиллардан бири; иқлим шароитининг таъсири ва сунъий боғларнинг яратилишида суғориш

тизимини юқори даражада лойиҳалаштирилганлиги; сунъий боғдорчиликда геометрик тарҳнинг асосий ўриндалиги; табиий офатлардан ҳимояланиш учун сунъий боғдорчилик яратиш усулларини қўллаш; мувозанат, модул, симметрик ва ритмик қаторларнинг қонун-қоидалари устиворлигидан иборат.

“Ғарб мамлакатларида ландшафт дизайни бўйича назарий қарашлар” деб номланган биринчи бобнинг иккинчи параграфи етук давлатлар ландшафт дизайни мисолида тадқиқ этилди. Ландшафт дизайни бўйича назарий қарашлар муҳим аҳамият касб этиши Франция давлати мисолида кўриб чиқилди. Боғ-парк санъатига сиёсий шарт-шароитлар ва табиий-иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари таъсир этган. Франция ландшафти асосан баргли ўсимликлардан эман, қайрағоч, жўка, каштан кабиларга тенглаштирилган. Қадимий ёдгорликларнинг йўқлиги ва уларнинг кўп қисми илк ўрта асрга тегишлилиги парк-боғ композицияси қурилиши нуқтаи назаридан шаклланишига таъсир қилди. Паркнинг катта қисми боскетлардан иборат бўлган, очик манеж сифатида, рақс учун, ўсимликлардан театр, лабиринт (Версаль, Шантильи) ёпиқ боскетлар сифатида фойдаланиш имкониятини яратди. Боскет – зич экилган дарахтлар ёки буталардан тузилган ва яшил тўсиқ билан чегараланган холис кенг жой.

Кенконс (очик экилган кўчат) – тўғрибурчакли экилган, квадрат бўйича баланд дарахтлар ҳар томони очик, шоҳлари кесилган ҳолда экилган. Ландшафт композициясини ташкил этишда янги усуллар пайдо бўлди.

Ғарб мамлакатларида ландшафт дизайни бўйича назарий қарашлар: инсонни табиатдан устунлиги; ландшафт дизайнида ассиметрик композицияларнинг қўлланилиши: шаҳарнинг фазовий таркиби табиий ландшафт тузилмасига мослиги; ландшафтларнинг ўзига хослигини ва бетакрор яратилишида илмий манбаларнинг ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

Мазкур бобнинг “Турар-жой муҳити ландшафт дизайнининг аҳоли турмуш тарзини яхшилашдаги аҳамияти” номли учинчи бўлимида барча элементларни ўзида мужассам этган, оммавий ва дам олиш учун фойдаланишга мўлжалланган шаҳар парклари пайдо бўлгани таҳлил қилинди.

Мунтазамлик паркларни режалашдаги асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

яхлитлик – ҳар бир худуд мустақил кўринишга эга бўлишига қарамай умумий кўринишни сақлаш;

аниқ композицион ечим, мутаносибликнинг мустаҳкамлиги, симметрик, жойлаштиришнинг ритмик ва декоратив элементларида мунтазамлиқни шакллантириш;

зиналарни лойиҳалашда салобатликнинг оддийлиги, тирговучли девор, ёнбағирларни майсазорлар билан қоплаш урфга кирган;

композициянинг ягона ўзаги ва масофа перспективаси яратилган.

Турар-жой муҳити ландшафт дизайнининг мукамаллаштирилиши, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш билан аҳамиятлидир. Улар, болалар майдончалари, ўриндиклар, майса, ёритгичлар, суғориш ариқлари каби жуда кўп ва муҳим кичик меъморий шаклларни ўз ичига олади. Шаҳарларда кўп қаватли бинолар қад кўтаради, табиийки унда яшайдиган аҳолига зарурий шарт-шароитлар

яратилиши керак. Аҳоли яшаш жойларида атроф-муҳитга, шаҳарсозлик, кўкаламзорлаштиришга эътибор бериш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шаҳарларни янада гўзал, кўркем бўлиб шаклланишида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Тошкентдаги замонавий турар-жой муҳити ва ландшафт дизайни”** деб номланган иккинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, турар-жойларда яшаш муҳитини шакллантириш ва эстетик талаблар асосида замонавий ландшафт дизайнини яратиш, инсонларнинг турмуш тарзига, яшаш шароитига ва атроф-муҳитига бўлган талаблари каби саволлар ечими илмий таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Турар-жой муҳити ва ландшафт дизайнининг шаклланиш таамойиллари”** деб номланган. Турар-жой муҳити ва ландшафт дизайнини шакллантириш бўйича муҳим омиллар мавжуд бўлиб, биноларнинг типологик характеристикаси ҳудудий, табиий иқлим шароити ва ижтимоий келиб чиқиши таъсири оқибатида ҳар хил типларининг шаклланишига олиб келган. Ўз ўрнида турар-жойлар типларининг характеристикаси маҳаллаларни ташкил қилиб, шаҳарсозлик тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

“Тошкент шаҳри турар-жой муҳити ва ландшафт дизайни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида Тошкент турар-жой муҳити ва ландшафт дизайни шаклланишининг ўзига хос томонлари таҳлил қилинди. Мавжуд шаҳар марказлари лойиҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари доимий ўзгартиришларга дуч келиши ва шаҳар тузилишини шаҳарнинг миқдор жиҳатидан ўсишига, ҳудудининг функционал зоналашуви, капитал қурилишларнинг техник ҳолати, муҳандислик жиҳозлаштириш ва қулайлик даражаси, шаҳар транспорти, янги ижтимоий вазифа таъминланиши ва жамиятнинг замонавий эстетик талабларини қондиришга тегишли замонавий талабларга мувофиқ ҳолга келтириш муаммоси юзага келган.

Иккинчи бобнинг **“Тошкентдаги замонавий турар-жой муҳити ва ландшафт дизайнининг шаклланишига қўйиладиган талаблар”** деб номланган учинчи параграфи шаҳарни режалаштириш лойиҳасини тузиш, қурилиш учун ҳудуд танлашдан бошланади. Ободонлашгач, шаҳар муҳитини яратиш авваламбор қурилаётган шаҳар ёки унинг бир қисми ҳудудини тўғри танлашга боғлиқ. Танланган ҳудуднинг табиий шарт – шароитлари, рельефи, тупроғи, гидролик, иқлимий, ландшафт ва бошқалар шаҳарсозлик учун қулайлиги, ҳудуд керакли ўлчамда ва конфигурацияда, келажакда маконий ривожланиш имкониятига эга бўлиш муҳим. Турар-жой биноларининг шаклланишида асосий шарт–шароитлар ғоявий, ижтимоий-маиший ва иқтисодий омиллардан иборат бўлган. Улар маҳалла ва унинг марказлари, қиёфалари, маҳаллалари янги кўринишининг яратилишига ёрдам бериб, шаҳарда шакллантирувчи ролни ўйнаган ва шаҳарнинг ҳудуд жиҳатдан ўсишига таъсир қилиб, унинг композицион–муҳит таркибининг янгиланишига катта таъсир ўтказган.

Тошкентдаги замонавий турар-жой муҳити ва ландшафт дизайнининг шаклланишига бир қанча талаблар қўйилади. Лойиҳа асосида қурилган кўп қаватли бинолар атроф-муҳити майдоннинг 50-60% автотураргоҳ (парковка)га айланиб қолган. Натижада, майдон рельефининг бузилиши, ҳамда ёғингарчилик мавсумида лойгарчилик аҳоли ҳаракатланишини қийинлаштириб, автомобиллардан чиқаётган заҳарли тутун нафақат экология, балки яшовчилар соғлигига ҳам катта зарар етказмоқда.

Турар-жойларга ягона ва энг муҳим жиҳат аҳолини яшаш шароитини яхшилашга эътибор қаратишимиз керак. Инсонлар ҳар бир даврда ўзига мос ва хос равишда яшаб, ўзлари учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Диссертациянинг **“Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳити ландшафт дизайнини шакллантириш усуллари”** деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳрида ландшафт дизайнини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар, илмий-амалий таклифлар ва самарали йўллари ишлаб чиқилиб, улар илмий шакллантирилган.

Учинчи бобнинг биринчи бўлими **“Ландшафт дизайни воситалари ёрдамида экологик ҳолатни яхшилаш”** деб номланган. Модернизациянинг биринчи босқичида бино ёки иншоотнинг атроф-муҳит билан мутаносиблиги, бинолар билан яқинлиги инобатга олинган. Унда турар-жой бинолари, атроф-муҳит билан уйғунликда комплекс ҳал қилиниб, композицион масштаб бузилмаслигига аҳамият бериш ва бинолар билан ўзаро мутаносиб жойлаштириш талаб этилади.

Тадқиқотлар натижасида шаҳарсозлик муҳитининг индивидуаллиги, маҳаллалар қурилишининг услубига ва ландшафт уйғунлигига, асл фазовий муҳит ечимига, топографик табиий асосларнинг эътиборга олинishiга, анъанавий санъат ва тарихий турар-жой асосларининг композициясида, кичик архитектуравий ансамблларга урғу берилганлигида ўз аксини топганлиги аниқланди. Бундан ташқари турар-жой уйлариининг асрий шаклланган бу каби элементлари нафақат меъморий, балки маънавий, маданий ва тарбиявий функцияларни ҳам бажарганлиги маълум бўлди.

Микроиқлим муҳитини яратувчи элемент ва воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ва очиқ майдонлар ҳажмлари орасида бевосита мутаносиб боғлиқлик мавжуд таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди:

ёпиқ лойиҳавий тизилмали ихчам қурилмалар ёрдамида очиқ майдонларни чегаралаш ва атроф-муҳитни горизонтал шамоллатиш шароити билан таъминлаш лозимлиги;

кўп қаватли турар-жой атрофи ландшафти, бинонинг қадимдан микроиқлими ва шаффофлигини таъминлаган. Бино атрофига экилган дарахтлар бино тагига сув кетмаслиги ва атрофни табиий шамол ва салқинлаштирувчи асосий элемент ҳисобланган гармселдан асрайди. Кўп қаватли турар-жой атрофларида мевали ва манзарали дарахтлар экилиши тавсия этилади.

“Турар-жой муҳитининг аҳоли турмуш тарзига мувофиқлигини эстетик жиҳатдан такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобнинг иккинчи параграфида турар-жой муҳитининг аҳоли турмуш тарзига мувофиқлигини

эстетик жиҳатдан такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш фаолияти даражаси, ҳамда сифатини ошириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг шаҳар қурилишини замонавий талабларга, миллий анъаналарга мос келадиган тарзда комплекс ривожлантиришни таъминлаш, архитектура-шаҳар қурилиши соҳасидаги қимматли меросни сақлаш ва авайлаш мақсадида 26.04.2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2595-сонли «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган Фармони тасдиқлайди.

Турар-жой биноларини лойиҳалашда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитни сақлаш, узоқ вақтга чидамлилиқ, таъмирлашга яроқлик, энергия тежамлилигини таъминловчи чоралар ва бошқа талаблар амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўзда тутилиши керак.

Турар-жой муҳити, шаҳар аҳоли ҳаёт фаолиятининг яхлит муҳити сифатида турли функционал-мақоний элементлар: турар-жой муҳити, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш комплекслари муҳити, дам олиш қисмлари кабилардан шаклланади. Элементларга бўлиш асосида ҳаёт фаолиятини соҳа таркиби бўйича ташкил этишга мос келувчи функционал кўрсаткич ётади. Ишлаб чиқариш, турар-жой комплекслари, жамоат марказлари ҳудудий тизимларни шаклланишининг ҳамма босқичларида шаҳарсозлик объектларининг элементлари бўлиб хизмат қилади.

Мазкур бобнинг “Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитини комплекс тарзда шакллантириш усуллари” номли учинчи бўлимида Тошкент шаҳрида ландшафт дизайнини шакллантиришга қаратилган маъмурий-ташкилий чора-тадбирлар бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган:

ландшафт меъморлари ва дизайнерлари ижодий уюшмасини тузиш ва мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни кенг оммага тарғиб қилиш;

ландшафт дизайни, шаҳар муҳити дизайни соҳасида амалга оширилган энг яхши ишлар, бажарилган лойиҳалар, Тошкент шаҳрининг ландшафт дизайни, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш мақсадида бундан буён нафақат меъморий лойиҳалар, балки шу соҳага йўналтирилган махсус комплекс Сити лойиҳалар ҳам ишланиши, ландшафт дизайнини ушбу лойиҳалар асосида амалга оширишни йўлга қўйиш;

тадқиқотлар ва кўрик танловлар, кўргазмалар ташкил этиш.

ХУЛОСА

“Тошкент шаҳри замонавий турар-жой муҳитини ландшафт дизайнини шакллантириш” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шарқ мамлакатларида ландшафт дизайнини амалга оширишда асосан табиий хом ашёлардан фойдаланилган. Ғарб боғларида “инсон табиатдан устун” деган фалсафий қарашлар олдинга сурилиб, геометрик шакллар асосида

боғ кўриниши шакллантирилган. Шарқ ва Ғарб турар-жойлар ландшафт дизайни тарихи ўрганилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланди.

2. Ўрта Осиё боғларида “жаннат боғлари” (Paradise) дея таъриф берилиб, композицион ечим симметрик кўринишда ва ҳаёлий жаннат кўриниши акс эттирилган. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ландшафт дизайни шаклланишидаги фалсафий қарашлари бир-бирига зид бўлсада, Ўрта Осиё боғлари икки қитъани маълум бир маънода боғлаган.

3. Тошкент шаҳри ландшафт дизайнининг шаклланиши замонавий шаҳарсозлик худудий тизимларидан ташкил топган ландшафтни режалаштириш, шаҳар аҳоли пунктлари таркибий тузилмасидаги элемент объектларини ўз ичига олган ландшафт меъморчилиги, шаҳар худудлари анъанавий ландшафт дизайни ўрганилиб, унинг замон талабига мос хусусиятлари билан уйғунлашув меъёрлари белгилаб берилди. Шаҳар ландшафт меъморчилигини тарихий-анъанавий, типологик, ландшафт-экологик, меъморий-режавий, композициявий, меъёрий лойиҳавий шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали йўллари аниқланди.

4. Шаҳар аҳоли пунктлари таркибий тузилмасининг илмий таҳлили илк бор ландшафт объектларининг типологиясининг асосланганлиги таъкидланди. Ушбу типология таркибига ландшафт объектларини киритиш лозимлиги аниқланди. Кўп қаватли турар-жой бинолари олдида ва атрофидаги майдонлар, болалар майдончалари, шаҳар турар-жойларнинг ҳовлилари, аҳоли пункти ичидаги хиёбонлар шулар жумласидандир. Шаҳар ландшафт дизайнининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар илмий асосланди ва комплекс модели ишлаб чиқилди. Доимий ва ўзгарувчан омилларни шаҳар ландшафт меъморчилигини шакллантиришда ҳисобга олиш лозимлиги исботланди.

5. Ер усти худудларидан аҳолини дам олиши ва болаларни бўш вақтларини кўнгилли ўтказиши учун шароитлар яратишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозимлиги аниқланди: кўп қаватли турар-жой бинолари атрофларида ҳовузларни ташкил қилиш, кўп қаватли биноларни томларидан унумли фойдаланиш, Тошкент шаҳри иқлим шароитига мос келадиган дарахтлар, буталар, гулларни экиш, турар-жой атроф муҳити дизайнидан кўп функцияли ва самарали фойдаланиш, турар-жой муҳитини ташкилий масалаларини такомиллаштириш шулар жумласидандир. Дунё миқёсидаги ландшафт дизайнининг замонавий илмий ва амалий тажрибаларини ўрганиш, Ўзбекистон худудидаги қурилишларнинг меъёрий хужжатларига айрим ўзгартиришлар киритиш лозим эканлиги аниқланди.

6. Олий таълим муассасаларида талабалар учун назарий ва амалий дарслар ташкил этиш, шаҳар ободонлаштириш бўлимлари, маҳалла билан биргаликда кўп қаватли турар-жой бинолари атрофларида замонавий ландшафт дизайнини яратишда амалий ёрдам кўрсатиш услублари ишлаб чиқилди.

7. Эстетик томонлари: автотураргоҳлар (гаражлар)ни кўп қаватли бинолар атрофида нотўғри лойиҳалаштирилганлиги, сув ариқларидан бир метр масофада дарахтларни экиш зарурати, манзарали дарахтларни маънан эскирганлиги, мевали дарахтларни умуман йўқлиги олдини олиш лозим. Ўзбекистон шаҳар ландшафт меъморчилигини шакллантириш ва

ривожлантиришнинг илмий таҳлили қуйидаги самарали йўллардан фойдаланиш имконини берган:

шаҳар ландшафти ва кўкаламзорлаштириш тизимини режалаштириш, кўкаламзорларни меъморий-режавий ва экологик ландшафт дизайнини ташкиллаштиришда “шаббода самараси” усулидан фойдаланиш;

ландшафт меъморчилик объектларини кўкаламзорлаштиришда ўсимликларни аниқ функциявий вазифалар ва маҳаллий табиий-иқлим ва тупроқ шароитларини эътиборга олган ҳолда танлаш механизmidан тўғри фойдаланиш;

ландшафт дизайни объектларини лойиҳалашда иссиқ ва қуруқ иқлим учун катта аҳамиятга эга бўлган “сув ва соялар тизими” ва муҳитини шакллантириш;

ландшафт дизайни ечимларида “топиар” санъати, фитомодул ва фитопластика шаклларида фойдаланиш;

ландшафт элементларини шакллантиришда Ўрта Осиё халқларининг анъанавий боғ истироҳатчилик санъатига хос “Чорбоғ”, “Чортоқ”, “Чорчаман” ва “Ҳиёбон” композициялари, халқ амалий санъати, хайкалтарошлик, анъанавий меъморчилик шакллари, ҳамда замонавий “нур меъморчилиги” ечимларини самарали қўллаш ва фойдаланиш;

яшил ҳудудларни ташкил қилиш билан микрорайонлардаги жамоат ва турар-жой биноларини ягона ансамблга бирлаштириш.

8. Шаҳарни сув иншооти билан қўшиб лойиҳалашнинг ягона тизими шаҳарнинг барча меъморий кўринишини юмшатади, унга ранг баранглик беради. Шаҳарнинг ҳажмли-фазовий кўринишини – унинг силуэтини яратишда атроф-муҳит дизайнини аҳамияти муҳим. Катта ва кичик кўринишидаги яшил бўшлиқлар, шунингдек кўчалар, майдонлар, кварталлар, микрорайонларда чизиқли ва гуруҳли композициялар, шаҳарнинг фазовий ечимига ранг-баранглик, таъсирчанлик кўшиши мумкин.

9. Яшил ўсимликлар нафақат эстетик завқ беради балки, психологик маъно ҳам эга. Рангларнинг хилма хиллиги, гуллар ифори, баргларнинг шитирлаши буларнинг ҳаммаси микроиқлимга қўшилиб, инсон онгига, кайфиятига асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари улар йўл ва йўлакларни визуал кўришда бир-биридан ажратиб беради. Инсон танасига иқлим ва микроиқлим шароитлари меҳнат ва ҳаётнинг санитария-гигиена шароитларига бевосита таъсир қилади. Унинг иссиқлик изоляцияси иссиқлик режими, намлиги ва ҳаво ҳаракатланиш даражаси билан белгиланади. Ушбу кўрсаткичлардан бирининг аҳамиятсиз ўзгариши ҳам иссиқлик изоляциясини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Методология: тарихий материалларни, соҳа бўйича назарий ва амалий маълумотларни йиғиш, ўрганиш, йиғилган маълумотлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Инсонларни табиатдан йироқлашуви болалар психологиясига ва соғлиғига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Техникани ривожланиши ва ота-оналарнинг бандлиги натижасида болалар уйдан ташқарига чиқмасдан

табиатдан узилиб қолишини олдини олиш, уларни жалб қилувчи зоналар яратиш.

3. Ландшафт дизайнини яратишда болалар учун қизиқарли ўйингоҳларни, яъни халқ амалий санъати намуналари ҳамда замонавий санъат унсурлари ёрдамида интерактив ўйингоҳлар яратиш.

4. Шаҳарларда табиатни қўриқлаш, атроф-муҳитнинг табиийлиги ва экологиясини, ландшафт компонентларини, ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёсини сақлаш, уларнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ландшафт дизайнини режалаштириш ишларини йўлга қўйиш.

5. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда олий ўқув юртлари ва ландшафт дизайнерлари учун ландшафт дизайни тарихи, шаҳарсозлик, мамлакатимизнинг табиий иқлим шароитини сақлаб қолган ҳолда турар-жойларни композицион уйғунлик аъналарини тиклашни ривожлантиришга оид масалаларни ўз ичига олган услубий қўлланма, ўқув қўлланма ва дарсликларни такомиллаштириш зарур.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ ХУДОЖЕСТВ И ДИЗАЙНА
ИМЕНИ КАМОЛИДИНА БЕХЗОДА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ ХУДОЖЕСТВ И ДИЗАЙНА

КАСИМОВ ОЙБЕК САДИКЖАНОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ ЛАНДШАФТНОГО ДИЗАЙНА
В СОВРЕМЕННОЙ ЖИЛОЙ СРЕДЕ ГОРОДА ТАШКЕНТА**

17.00.05 – Теория и история дизайна

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ИСКУССТВОВЕДЕНИЮ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за № B2020.4.PhD/San28

Диссертация выполнена в Национальном институте художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода при Академии Художеств Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.mrdi.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Салимов Арифджан Муслимович доктор архитектуры, профессор
Официальные оппоненты:	Нозилов Додо Авазович доктор архитектуры, профессор Бинафша Нодир доктор философии (PhD) по искусствоведению
Ведущая организация:	Государственный музей истории Узбекистана при Академии Наук Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в «___» часов на заседании Разового Научного совета PhD.38/09.07.2020. San.119.01 при Национальном институте художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода (Адрес:100015, город Ташкент, Мирабадский район, улица Мироншох, дом 123. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода (Адрес:100015, город Ташкент, Мирабадский район, улица Мироншох, дом 123. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Протокол реестра рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

Д.М.Кадирова
Председатель Разового Научного совета по
присуждению ученых степеней
доктор искусствоведения

Б.Ю.Сангиров
Ученый секретарь Разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по искусствоведению

А.А.Зияев
Председатель Разового Научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор архитектуры

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе в практике градостроительства активно развивается ландшафтный дизайн, который объединяет современное жилье с природой, создает благоприятные условия для населения и повышает экологическую эффективность. Это перспективное направление охватывает не только города, но и села. В градостроительстве необходимо применять принципы приоритета, основанные на опыте ландшафтного дизайна, и обращать внимание на национальные традиции. В двадцатом веке в связи с особыми политико-историческими, социально-экономическими и культурно-идеологическими условиями произошла уникальная эволюция ландшафтного дизайна.

В мировом искусствоведении ведутся научные исследования по возникновению ландшафтного дизайна, эволюционному развитию, сохранению традиций, реконструкции и модернизации, совершенствованию с учетом природной среды каждого региона. Также большое значение имеют проблемы эффективного сочетания исторических и современных методов ландшафтного дизайна, создания научно-теоретической базы для развития перспективных направлений и принципов ландшафтного дизайна в городах.

В последние годы независимости ведется большая работа по проектированию и обновлению городов Узбекистана на основе современных принципов. «Конечная цель - создать надежную инфраструктуру для экономики, создать благоприятные условия для городского и сельского населения»¹. В связи с этим важно дальнейшее развитие архитектуры городского ландшафтного дизайна, который является одним из важных факторов, определяющих облик города и поддерживающих экологический баланс, внедрение современных методов посредством сохранения и развития традиционной культуры, осознания его реальной ценности, широкого использования в современных художественных процессах богатого наследия, копившегося веками. Самыми актуальными задачами становятся улучшение эстетики городов, определение путей гармонизации городской архитектуры, ландшафтной архитектуры и дизайна.

Данное исследование в определенной мере служит для выполнения задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлений «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства» за № ПП-3022 от 31 мая 2017 года, «О дополнительных мерах по развитию и дальнейшему совершенствованию деятельности Академии художеств Узбекистана» за № ПП-3219 от 16 августа 2017 года, «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 11 январь, 2017 йил, Б. 3.

в Республике Узбекистан” за № 3920 от 26 августа 2018 года, “Об утверждении концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан” за № 4038 от 28 ноября 2018 года, «О мерах по дальнейшему повышению эффективности сферы изобразительного и прикладного искусства» за №4688 от 21 апреля 2020 года, а также, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности и укреплению материально-технической базы Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода» за №8 от 8 января 2020 года и в других нормативно-правовых документах по представленной теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном и духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

